


ISSN 2010-5517

# Jahon ADABIYOTI

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал



Август - 2008

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Манзар АБДУЛХАЙИРОВ. Маъно ва тимсоллар сири.....	199
Гулноза ОДИЛОВА. Шекспир сонетларининг сеҳри.....	202

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Дилшода МУБОРАКОВА. Мафтункор диёр.....	205
---	-----

Бош муҳаррир  
ўринбосари:  
**Мирпӯлат МИРЗО**

Таҳрир ҳайъати:

**Файзи ШОҲИСМОИЛ**  
(масъул котиб)  
**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**  
**Амир ФАЙЗУЛЛА**  
**Азиз САИД**  
**Гулчехра МУҲАММАДЖОН**

Жамоатчилик кентаси:  
**Бобур АЛИМОВ**  
**Эркин ВОҲИДОВ**  
**Одил ЁҚУБОВ**  
**Туробжон ЖЎРАЕВ**  
**Минҳожиддин МИРЗО**  
**Абдураҳим МАННОНОВ**  
**Абдулла ОРИПОВ**  
**Азимжон ПАРПИЕВ**  
**Файрат ШОУМАРОВ**  
**Тўлепберген ҚАЙПЕРГЕНОВ**  
**Рустам ҚОСИМОВ**  
**Рустам ҚУРБОНОВ**

Навбатчи муҳаррир Г. МУҲАММАДЁРОВА  
Рассом А.БОБРОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусахих Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 8. 2008.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган кўлёзмалар қайтарилимайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишида таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Босишига руҳсат этилди 26.08. 2008 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қозози. Офсет босма.

Шартли босма тобоқ 18,2. Нашириёт босма тобоги 20,0.

Жами 1200 нусха. **327** рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компььютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Faғур Fулом номидаги НМИУда чоп этилди.

100128, Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2008 й.

## **Маъно ва тимсоллар сири**

**А**лишер Навоий шеъриятида доимо шакл ва мазмун мутаносиблиги бир меъёрда бўлган. Мумтоз шеъриятдаги бундай бениҳоя гўзалик мукаммаллик, шаклий-маънавий мувозанат фақат Навоий шеъриятига хосдир. Зотан, мумтоз шеъриятда маъно ва шаклнинг мутаносиблиги ҳамда тасвир ва тимсолнинг уйғулиги муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда айтиш жоизки, тасаввуф шеъриятида “соқий”, “мугбача”, “майпараст”, “қадаҳ” ва “май” каби поэтик тимсол, ирфоний рамзлар гўё тасаввуфнинг тамал тошидек бўлиб қолган. Қолаверса, бундай поэтик тимсоллар кўп маротаба тадқиқот манбаи бўлган. Дарҳақиқат, айрим адабиётшунос олимлар айтганидек, “Биз истаймизми, истамаймизми, навоийшунослиқда маълум бир якранглик ва турғунлик кўзга ташланиб турибди. Буни бартараф этиш осон эмас. Бунинг учун биринчи навбатда, Навоий шеъриятининг руҳонияти ва туйғулар оламига қарашни тубдан ўзгартириш лозим; янгича тадқиқ усул ва йўлларини жорий этишга уриниш керак; Навоий шеърларида санъаткорлик билан тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зоҳирий қатламлари хусусида баҳс юритиш билан чегараланмасдан, уларнинг ботиний қатламларини очиш лозим” (Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, 2001, 8). Шу маънода, Навоий шеъриятида бадиий гояни ифодаловчи ҳам рамзий, ҳам тасаввуфий маъно ташувчи шеърий образлар қаторида бодом тимсолини ҳам санаб ўтиш мумкин. Бу айниқса, образли шаклларда ўз ифодасини топган. Зоро, “шеърнинг руҳий ва гоявий қудрати образда марказлаштирилади. Сўз сехри ва маъно қатламлари ҳам образ бағрида яширингандир” Шунга кўра, шоир шеъриятида қўлланган бодом – поэтик образ, ирфоний рамз ҳисобланади:

Кут бир **бодому** ерим гўшайи меҳроб эди,  
Форати дин этти ногаҳ бир балолиқ қўзу қош.

Байтда қўлланган “бодом”, “гўшаи меҳроб” – поэтик тимсол, сўфиёна рамз. Бодом – қаноатнинг зайли, поклик. Зотан, тасаввуфнинг туб моҳияти ҳам сабр, қаноат, покликдир. Гўшаи меҳроб – холи жой, меҳроб бурчаги, масжидда имом турадиган энг муқаддас жой. Шунингдек, “гўшаи меҳроб” (ёрнинг қайрилма қоши) мажозий маънода ошиқ кўнгилнинг маскани – пок ишқ, илоҳий муҳаббат.

Навоий шеъриятида бодомнинг “пўсти” ва “мағзи” маъно ва шаклнинг мутаносиблиги ҳамда тасвир ва тимсолнинг уйғулигини ифодалаган:

Кирди ики жисм бир кафангфа,  
Йўқ, йўқ, ики руҳ бир баданга.  
Бир **наъш** ила ул ики дилором,  
Андоқ эдиким ду дона **бодом**.

Байтлар маъноси: Ҳар икки хилқат бир кафанга жойланди, йўқ-йўқ, балки икки жон бир баданга кирган эди. У икки дилоромнинг бир тобутда ётиши, худди бир бодом пўсти ичидаги қўшалоқ мағизга ўхшар эди. Яъни шоир бу икки хилқат (Лайли ва Мажнун назарда тутилган)ни бодом мағзига, тобутни эса, шаклан бодомга менгзайтганлиги ёки унинг бодом шаклида эканлигини ўз рамзий чизгиларида санъаткорона ифодалаганлиги ҳам маълум бўлади.

Кўзунг фикри била тан хилватида нотавон кўнглум,  
Риёзат айнидиндур кунда бир **бодом** ила қонеъ.

Манзар Абдулхайров

Байтда ишлатилган “нотавон кўнгул”, “риёзат айни” ва “бодом” – тасаввуфий рамзларга ишора. Нотавон кўнгул – нотинч, бетоқат; бечора кўнгил; доимо ёр васлига муштоқ бўлган кўнтил. Риёзат айни – риёзат назари, ишқ туфайли чекилган риёзат. Бодом – қаноат тимсоли. Бодом нафақат Навоийнинг назмида, балки насрой асарларида ҳам жуда кўп маротаба тақрор-тақрор риёзат, поклик, ҳалоллик, қаноат каби ирфоний рамзларда кўлланган: “Ва ул (Шайх Алоуддин Хоразмий), бодом мағизларидин манга берур эрди ва мен ер эдим. Ва ул емади, бир мағиздин ўзга ё иккидин ўзга”. Шунингдек, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида бир қатор абдол, шайхларнинг комиллик даражалари, шеърий образда шоирнинг руҳий ва ғоявий куррати янада ўз аксини топган бўлади. Шу маънода яна бодом тимсоли иштирокидаги айрим байтларга мурожаат этайлик:

Шайху, бир бодому қон ютмоқки, пири дайрнинг  
Нуқл ила майдин фано аҳлига кўп эҳсони бор.

Ушбу байтда ҳам “бодом” “пири дайр”, “нуқл”, “фано аҳли” – шеърий тимсол. Навоий илгари сурган бадиий тафаккурни англаш учун эса, бу тимсолларнинг туб моҳиятига эътиборни қаратиш керак. Бодом – поклик қилинадиган газак. Фано аҳли – ўзликдан кечганлар, ҳаёт неъматларидан воз кечганлар, йўқликни ихтиёр қилганлар. Демак, байтда кўлланилган бодом тимсоли – сабр ва нафсни тийиш орқали покликка эришишdir.

Навоий шеъриятида бодом фақат истиора, ўхшатиш каби бадиий тасвир воситаларини ифодалашда ҳам кўлланилган:

Кўз маҳди аро тутуб ул ором,  
Зарфу мазруф, мағзу бодом.

Байтнинг маъноси: **Бодомнинг** ичида мағиз сақланганидай, бу бола ҳам кўз бешигида фароғатда яшарди.

Гаҳеки кўргузасен заҳри чашм тонг эрмас,  
Бўлур ул бодомнинг донаси берарди талх.

Маъноси: Гоҳо кишига бодомнинг мағзи аччиқлик қилганидек, сен (ёр, маҳбуба назарда тутилган) ҳам тонг отмасдан ёмон кўз билан қарамоқдасан.

Сутиком, соғибон оғзига доя,  
Ки жисми андин олғай кути моя.  
Анга ичмак бўлуб ноком янглиғ,  
Мавизу шираи бодом янглиғ.

Байтлар маъноси: Доя унинг жуссасига куч-кувватга тўлсин деб оғзига сут соғарди. У эса касал одам бодом ширасини ёқтиргмагани каби сут ичишни истамас эди. Дарҳақиқат, Навоий шеъриятида поэтик рамзлар ва сўфиёна маънолар билан боғлиқ тушунчаларни ифодалашда кўлланилган бодом сўзи шоир шеъриятининг руҳий-ғоявий куррати ва ғоявий-бадиий қимматини оширишда муҳим ўрин тутган. Зоро, шоир ўз шеърларида поэтик образ тимсоли сифатида бодом сўзини тақрор-тақрор қўллаган. Гўё шоир бир комил инсоннинг ўсиб улғайганидан то сўнгти манзилига кузатиб қўйгунга қадар бодом тимсолидан санъаткорона фойдаланган:

Чу қора бодом тобут узра расмидур қадим,  
Кўз жанозам сори солким, сенсизин бўлдум қатил.

Бодом тимсоли XVII аср мумтоз шеъриятида ҳам маромига етказилиб кўлланилган. Айниқса, бу ҳол форсигўй шоир Мирзо Бедил шеъриятида яққол намоён бўлади:

Дар чаман ҳам аз газанди чашми бад эмин мабош,  
Парда занбурест он жо дидай бодомро.

Байт таржимаси: Эй инсон, бу – чаманзорлардаги гўзаликларга кўп ҳам ошуфта бўлаверма, ундан кўра, ҳамиша бу чаманлар ортида писиб ётган зааркунандаларнинг ёмон кўзларидан сақланишга ҳаракат қил! Зеро, сенга ҳар вақт **бодом** қоғотлари ичидаги парда ортида яшириниб ётган арилар нишидан озор етиши муқаррар. Ушбу форсий байт мазмунидан англашиладики, Мирзо Бедил ҳам **бодом** тимсолида дунёга инсониятни басирант кўзи билан қарашга чорламоқда.

Шоир асарларида **бодом** ўз лугавий маъносига сермой ва лаззатли ёки аччиқ, инсон саломатлиги учун кони фойда бўлган табиатнинг яна бир неъмати сифатида ҳам ишлатилиган:

Базм бу навъ ўлди эса нуқли ҳадисин демаким,  
Хунча била нарғисидин шаккару **бодом** етар.

**Бодом** сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида асосан, сермой ва лаззатли мағзи учун экиладиган дараҳт; шу дараҳтнинг меваси (данаги) ҳамда гўзал ёрнинг қовоғини **бодомга** ўҳшатиш каби лугавий, кўчма маъноларда ишлатилиди.

Навоий шеъриятида бодом юқорида қайд этилганлардан ташқари яна қуйидаги маъноларда ҳам кўлланган:

1. Ёр (маҳбуба)нинг **бодом** шаклидаги кўзи:

Кўзларинг **бодоми** хажридин бўлуб жисмим сақим,  
Чиқти жоним, эй қора кўз, ҳажринг берди бим.

2. Кўз косаси:

Равшан эрур кўзки, тутар ком ила,  
Гўшаи меҳроб ики **бодом** ила.

3. **Бодом** шаклида ясалган муҳр:

Ишқ нақди кисасининг ҳифзига **бодома** муҳр,  
Гар тилар бўлсанг муносибдур бу чок ўлған юрак.

4. Инсон тана аъзоларидан бири, кўз; Юсуф пайғамбарнинг чиройли кўзлари назарда тутилган:

Кўзи оллида, эй **бодом**, қилдинг ишва даъвосин,  
Магар киприклиаридиндури нишони жисми афгоринг.

Хуллас, Алишер Навоий шеъриятида **бодом** тимсолининг ўрни, ирфоний рамзлари ва сўфиёна маъноларини талқин этиш нафақат шоир шеъриятининг ботиний хусусиятларини, балки шоир ижодиётининг диний рухи, улуҳият асрори ва рубубият илми билан чамбарчас боғлиқлигини ўрганишда ҳам яқиндан ёрдам беради. Зотан, имом Фаззолий ҳам ўзининг “Иҳёи улум ид дин” асарининг “Таваккул” бобида тавҳиднинг тўрт мартабаси борлигини писта мисолида бундай изоҳдайди: 1. Пистанинг ташқи яшил пўсти; 2. Бу пўстнинг остидаги қаттиқ пўст; 3. Пистанинг ичи; 4. Пистанинг ичидаги ёғ. “Биринчисига қиширул қишир (пўстнинг пўсти), иккинчисига қишир (пўст), учинчисига лубб (мағзи), тўртингисига луббул лубб (мағизнинг мағзи) дейилади. Зоҳирий олимлар наздидаги тавҳид ё пўсти, ё пўстнинг пўстидир. Орифлар назаридаги тавҳид эса ўз мағзи ёки мағзининг мағзидир: Улуғ орифлар дин рухи, улуҳият сирри ва рубубият илмидан воқифдиrlар”.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,  
филология фанлари номзоди